

СЕМИНАР МАТЕРИАЛЛАРИ

**“ЯПОНИЯ РИВОЖЛАНИШ ТАЖРИБАСИ -
ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ЯПОНИЯ ХАЛҚАРО
ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ
ТИНГЛОВЧИЛАРИ
АССОЦИАЦИЯСИ



JICA ALUMNI
ASSOCIATION
IN UZBEKISTAN

**“JAPANESE DEVELOPMENT EXPERIENCE:
IMPLICATION TO UZBEKISTAN IN
TRANSITION”**

SEMINAR MATERIALS

- солиққа тортилмайдиган минимумни жорий қилиш ва унинг миқдорини босқичма-босқич солиқ субъекти физиологик эҳтиёжи учун талаб этиладиган товарлар харид қувватига тенглаштириш;

- солиқ субъектининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда уларнинг даромад суммасига нисбатан чегирмалар тизимини шакллантириш.

Мавжуд масалаларни ҳал қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уни солиқ тизимига тадбиқ этишда халқ урф-одати бир-бирига яқин бўлган Япония сингари ривожланган давлатлар солиқ тизимини таҳлил қилиш ва улардаги диққатга сазовор жиҳатларни ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги замон иқтисодиётида банкларнинг тутган ўрни ва улар фаолиятини такомиллаштиришда илғор хориж тажрибасининг аҳамияти

Дилмурод Расулов, Фаррух Ахмедов¹

Кириш

Банкнинг ўзи нима деган савол бир қарашда жуда содда саволга ўхшайди, лекин ҳақиқатда бу ундай эмас, бу саволга жавоб жуда кенг ва мураккабдир. Жуда кўпчиликнинг фикрича банк бу пул чиқарадиган ва пул сақлайдиган ташкилотдир. Бу ҳаётий қарашлар банкнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини тўлиқ очиб бера олмайди ва шу билан бирга банк моҳияти янада ўзига хослигини исботлайди. Ушбу мақолада банкнинг иқтисодиётдаги ўрни, унинг функциялари, турли давлатлардаги банк тизимининг, жумладан Ўзбекистон банк тизими тўғрисида сўз юритилади. Мамлакатимиз банк тизимини ривожлантиришда Япония тажрибасининг аҳамияти таҳлил қилинади.

Банк тизимини шакллантиришда давлатнинг роли

Банк сўзининг ўзи унинг фаолиятини сўзга мос эмаслигини кўрсатади. Банк сўзи италянча “Банко” стол маъносини англатади. XVI асрда Италиянинг йирик шаҳарларида пул алмаштирувчи саррофлар ўз вазифаларини, яъни турли йирик шаҳар пулларини ўзига хос курс асосида алмаштириб берганлар ва пуллар (тангалар) стол устида тахланиб қўйилган. Жамиятнинг ривожланиши иқтисодиётни ўсиши, савдо-сотиқни гуллаб яшнаши натижасида банк фаолияти ривожланди, унинг таркиби шаклланди. Аста-секин ҳар бир мамлакатда миллий пул бирликларини эмиссия қиладиган ва сақлайдиган марказий ёки

¹ Дилмурод Расулов - Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д., Фаррух Ахмедов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси

миллий банклар ташкил топа бошлади. Лекин шуни таъкидлаш лозим-ки, ҳар бир давлат ўзининг маъмурий тузилиши, иқтисодий ривожланиши ва шунга ўхшаш кўплаб сабабларга кўра мамлакат марказий банкида давлатнинг иштироки турличадир.

1- жадвалдан кўришиб турибдики, турли мамлакатларда марказий (миллий) банкларнинг ҳукуматдан мустақиллиги даражаси турлича. Масалан, Германия, Англияда марказий банк ҳукуматга бўйсунди, Швейцария, Япония, Венгрияда марказий банк нисбатан мустақилдир.

Жадвал 1. Марказий банк капиталида давлат улуши

№	Давлатнинг номи	%
1	Англия	100,0
2	Германия	100,0
3	Франция	100,0
4	Дания	100,0
5	Голландия	57,0
6	Польша	57,0
7	Венгрия	57,0
8	Швейцария	57,0
9	Япония	55,0
10	Италия	100–банклар ва суғурта компаниялар мулки.
11	АҚШ	100–федерал резерв тизими банклари мулки.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги қонунга асосан мамлакатимиз Марказий Банкнинг капитали 100,0 фоиз давлат мулки ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозим-ки, мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон республикаси бозор иқтисодиётини бозор мунособатларига ўтиши мавжуд банк тизимини ислоҳ қилишини талаб этди. Ривожланган хорижий давлатлар банк тизимини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, бу соҳадаги илғор тажрибалар таҳлил этилиб мамлакатимизда сифатан янги банк тизими шакллантирилди.

Ўзбекистон республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги ва 1996 йил 26 апрелдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлар янги банк тизимига ҳуқуқий асос бўлди. Амалдаги қонунчиликка асосан мамлакатимизда турли мулкчилик шаклидаги банклар ташкил этилиши мумкин. Биз ҳозирги замон Ўзбекистон республикаси банк тизимини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Жадвал 2. Ўзбекистон Республикаси банк тизими

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки			
Давлат банклари	Акциядор тижорат банклари	Хорижий сармоя иштирокидаги банклар	Хусусий банклар
<ul style="list-style-type: none"> • Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий Банки • Ўзбекистон Республикаси халқ Банки 	<ul style="list-style-type: none"> • ДАТ “Асака Банк” АИБ • “Замин Банк” ДАТ • “Ўзуйжойжам-фарма Банк” • АТ “ЎзСк Банк” • АТ “Пахта Банк” • АТ “Ғалла Банк” • АТ “Турон Банк” • АТ “Савдогар Банк” • АТ “Алока Банк” • АББ “Траст Банк” • АТ “Ипак йўли Банк” • АТ “Тадбиркор Банк” • АТ “Авиа Банк” АТ • “Хамкор Банк” 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўз ДЭУ Банк • УТ Банк • АБН Амро Банк • Узприват Банк • “Содирот” шугъба Банк 	<ul style="list-style-type: none"> • Парвина Банк • Алп Жамол Банк • Туркистон Банк • Давр Банк • Ўктам Банк • Бизнес Банк • Самарқанд Банк • Универсал Банк • Капитал Банк • Равнак Банк • Кредит-Стандарт Банк

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики мамлакатимизда икки поғонали, яъни юқори поғона Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва қуйи поғона турли мулкчилик шаклидаги тижорат банклари, яъни иккита давлат банки, 14 та акциядорлик-тижорат банклари, 5 та хорижий сармоя иштирокидаги банклар, 11 та хусусий банклар ташкил этилган ва улар фаолият кўрсатмоқдалар.

Тижорат банклари фаолият доирасининг кенгайтиши ва Япония тажрибаси

Маълумки тижорат банкларини асосий фаолият тури бўлиб хўжалик субъектларига кредитлар бериш ҳисобланади. Вақтинча пул маблағларига эҳтиёж сезган хўжалик субъектлари тижорат банкларидан турли муддатларга кредитлар оладилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозим-ки мамлакатимизда олиб борилаётган изчил иқтисодий ислохатлар хўжалик субъектларини фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, ҳамда бу фаолиятда кредитнинг аҳамиятини янада оширишга имконият яратмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайта молиялаштириш ставкасини 2004 йил август ойида 18 фоиз ва декабрь ойидан бу ставка 16 фоиз қилиб белгиланди. Айтиш лозим-ки бу кўрсаткич 1993 йили 150 фоизни ташкил этган эди. Қайта молиялаштириш ставкаларини фоизини пасайтириш кредитдан фойдаланиш учун тўловни камайишига тўғридан-тўғри таъсир этади. Бу ҳолат эса кредитдан фойдаланувчилар сонини кескин ортишига олиб келади. Масалан, 2004 йил 9 ойликда кредит қўйилмалари йил бошига нисбатан 11,2 фоизга ортган. Демак, республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ўз мижозларига кредит бериш фаолиятини янада ривожлантиришдан далолат беради.

Маълумки тижорат банклари ўз фаолиятини амалга ошириш учун аҳолининг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб этади. Тижорат банклари турли депозитлар шаклида аҳолининг пул маблағларини йиғмоқдалар. Бу фаолият эса муомаладаги нақд пуллар миқдорини қисқартириш ва бу билан инфляцияни жиловлаб туришга қаратилаган. Бундан ташқари ўз пул маблағларини депозитга қўйган аҳоли қўшимча даромад олади. Шунини таъкидлаш лозим-ки, тижорат банклари томонидан бу соҳада фаол иш олиб борилмоқда. Бу ҳолат эса ижобий натижаларни бермоқда. Масалан, 2004 йилнинг 9 ойи давомида аҳолини банклардаги депозити 85,9 млрд. сўмга ёки 40,5 фоизга ошган ва жами 289,0 млрд. сўмни ташкил этган. Бу ҳолат эса мамлакатимиз аҳолисини тижорат банкларига бўлган ишончини тикланганлигини ва ортганлигидан далолат беради. Лекин, шундай булсада, банк тизимини янада ҳам такомиллаштириш долзорб масала бўлиб қолмоқда. Бу ишни амалга оширишда албатта ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор бой тажрибасини қўлланишини муҳим вазифа деб биламиз. Шу сабабдан, ривожланган Япония давлати банк тизимини баъзи бир ўзига хос томонларини таҳлил қилиб уларга қисқача тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон республикаси банк тизимида тижорат банклари асосий ўринни эгаллагани учун, Япониядаги айнан шу турдаги банклар фаолиятини кўриб чиқамиз.

Хозирги пайтда Японияда шундай банк тизими ташкил топганки, унинг асосини “шахар” банклари, яъни молия жихатдан бақувват тижорат институтлари ташкил этади. Улар бутун мамлакат бўйлаб йирик корхоналар ва молия-ишлаб-чиқариш ташкилотларига хизмат кўрсатадилар. Бундан ташқари регионлардаги префектура банклари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг хизмат кўрсатиш доираси географик жихатдан маълум иқтисодий районни, бир неча қўшни бўлган префектураларда жойлашган корхоналарни қамраб олади. Баъзи банклар валюта билан ишлаш ва чет эл савдосини молиялаштириш ҳуқуқини берадиган лицензияларга эгадирлар. Бизнинг республикамиз банк тизимидан фарқли равишда, Японияда соф хориж сармоясида ташкил топган тижорат банклари мавжуддир. Уларнинг хизмат доирасига чет эл сармояси билан ишлайдиган корхоналар ёки хориж мамлакатлар билан яқин алоқада бўлган корхоналар киради. Юқорида кўрсатиб ўтилган универсал тижорат банклари классик банк операцияларини асосий турларини амалга оширадилар. Бундан ташқари Японияда махсус молия институтлари – узок муддатга кредит берувчи банклар мавжуд. Бу банклар, Ўзбекистон тижорат банкларидан фарқли ўларок, ўз кредит маблағларини муомилага чиқарилган дебентур тушуми асосида ташкил топган фондда жамғариб борадилар ва корхоналарга хизмат кўрсатадилар.

Навбатдаги тижорат банкларига траст банклари кирадилар. Улар ўз вазифалари бўйича иккига булинадилар, биринчиси узок муддатли молиялаштиришни амалга оширса, иккинчиси молияни бошқариш билан шуғулланади. Бундан ташқари кичик бизнесга кредит берувчи муассасасалар ҳам мавжуддир, булар: умумий банклар, кредит ассоциациялари ва кредит кооперативларидир. Кичик бизнесни кредит билан таъминлашни асосий элементи, бу ҳукумат ва хусусий сармояларини қўшилиши натижасида ташкил топган банклардир. Бу банклар кооперативларнинг ортикча молия маблағларини муомилага дебентура чиқариб жамғарма фондларга йиғиб борадилар.

Молия билан таъминлаш бозорида банклардан ташқари суғурта компаниялар, қимматли қоғозлар билан ишловчи ва уй-жой қурилишини кредитлаштириш компаниялари иштирок этадилар. Лекин уларнинг хаммаси банкдан ажралган ҳолда, мустақил фаолият курсатадилар. Бизнинг республикамизда ҳам шунга ўхшаш иқтисодий институтлар аста-секин шакллана бораяпти. Мисол қилиб, кредит уюшмаларини келтиришимиз мумкин. Бундан ташқари Японияда ҳукумат пул-маблағларини қарзга олиб фаолият курсатадиган давлат банклари ва молия коорпорациялари мавжуддир. Уларнинг пул-маблағлари кейинчалик қонун асосида хусусий секторга жамланади.

Ҳамма япон банклари географик принципда тузилган ва префектура ва катта шаҳарларда фаолият курсатувчи банклар ассоциациясига кирадилар. Уларнинг асосий вазифаси, бу банк бизнесини ва регионларни молия ва иқтисодий ўсишини таъминлаш бўлиб турибди.

Агарда биз мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларини олиб бораётган ишларини таҳлил этсак, кейинги йилларда бу соҳада ижобий ишлар қилинганлигини гувоҳи бўламиз. Масалан, банклар томонидан халқаро пул ўтказмалардан “Анелик”, “Вестерн Юнион”, “Тезкор почта” кабилар амалиётга тадбиқ этилди. Аҳоли учун пластик карточкаларни муомилага киритиш хажми ортиб бормоқда. Хўжалик субъектлари ва аҳоли учун қулай бўлиши учун жойларда мини-банклар ташкил этилмоқда. Масалан, ҳозирда мамлакатимизда тижорат банкларининг жойлардаги мини-банклар сони 1040 тани ташкил этди. Албатта бу ижобий натижалардир. Лекин, ривожланган хорижий мамлакатлар банк тизимини фаолиятини таҳлили шуни кўрсатмоқда-ки, ҳозирда мамлакатимизда банк тизими фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш талаб этилади. Хорижий мамлакатларда, хусусан Япония банк тизимидаги тижорат банклари ўз миқдорларига 300 турга яқин банк хизматини таклиф этади. Бизнинг республикамизда тижорат банклари ўз миқдорларига 30 дан ортиқроқ банк хизматини таклиф қилишмоқда. Юқорида қайд этилган мамлакатларда тижорат банклари ўз миқдорларига кредитнинг контокоррент, факторинг, форфейтинг каби шаклларида жуда кенг фойдаланмоқдалар ва қўшимча даромад топтомоқдалар.

Албатта мамлакатимиз банк тизими ёш ва у ривожланишда. Бизнинг фикримизча, ривожланган хорижий мамлакатлар Германия, Швейцария, АҚШ, Япония ва шу кабиларнинг банк тизимини илғор тажрибаларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва уларнинг ижобий томонларини мамлакатимиз банк тизимига жорий этиш лозим. Бу омил эса бизнинг фикримизча бир томондан хўжалик субъектлари ва аҳоли учун қулай ҳамда кўп банк хизматлари кўрсатилишига, иккинчи томондан тижорат банкларининг даромадларини ортишига олиб келади деб ҳисоблаймиз.